

TAXES OPPORTUNITIES AND PROSPECTS OF THE STATE ECONOMY

X.B. Boltaev

Bank Finance Academy Master's Degree -

O. Daminov

Samarkand State University Master's Degree

+998 93-764-20-02

Abstract

This article provides a scientific and practical basis for the formation of effective implementation of tax reforms. It is based on the possibility of strengthening the revenue base of local budgets by expanding the tax base and reducing the tax burden, as well as simplification and rational use.

Keywords: Taxes and levies, legal entities, property tax levied on legal entities, taxpayers, tax benefits, tax rate, tax calculation procedure, tax payment procedure.

Солиқ ислохотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юқини камайтириш ҳамда соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бўйича мамлакатимизда кўплаб ишлар қилинмоқда.

Солиқ тизимини ислох қилиш бўйича 2020 йилда пандемия туфайли тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси **50 фоизгача** камайтирилди. Пандемия фаолиятига салбий таъсир қилган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга 2020 йил 31 декабргача айрим солиқлар тўланишини фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкони берилди. Бу борада тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатлар асосида 2020 йил 1 июль ҳолатига **2827 мингта** тадбиркорлик субъектининг **135 млрд. сўмдан** зиёд солиқларини тўлаш муддати кечиктирилди. 2020 йил 1 июндан 1 сентябргача кичик корхоналар икки турдаги – ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод қилиниб, бугунги кунда мамлакат бўйича **142,5 мингта** кичик бизнес вакиллари **332,8 млрд. сўмлик** солиқлардан озод бўлди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси **12% дан**

1% гача пасайтирилиши натижасида **1 681769** та иш ўрни ташкил этган **328782** та субъектнинг солиқ юки камайтирилди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан **50 фоизга** камайтирилди. Бунда, давлат ёрдами қарийб **15,2 миллиард сўмни** ташкил этмоқда.

Пандемия даврида бу каби берилган имтиёз ва енгилликлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида қолган маблағлар уларнинг фаолияти барқарорлигини сақлаб қолишга, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳамда ходимлари иш ҳақларини ўз вақтида тўлашига моддий асос яратди.

2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса илк маротаба тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали жорий йилнинг учинчи чорагида тадбиркорларга **700 млрд. сўмни** айланма маблағ сифатида ўзида қолдириш имконияти яратилди.

Солиқ органлари фаолиятига рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш асосида ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 5 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг “**Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги 359-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси белгиланди. Унга кўра, давлат бюджетига қўшимча тушумлар ҳажми **20 трлн. сўмгача** ортиши кутилмоқда.

Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш натижасида маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тезлиги **10 баробаргача** оширилади, маълумотлар базаси ҳажми **1 Петабайтгача** етказилади.

Business Intelligence ва **Big Data** технологияларини жорий этиш ҳам стратегиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида киритилган.

Давлат солиқ қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясида назарда тутилаётган қуйидаги,

- **Case Management System;**
- **Case Assessment System** тизимларининг яратилиши орқали солиқ аудити жараёнини автоматик тарзда қайд этиш, мониторинг қилиш, реал вақт режимида маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиш орқали солиқ тизимини такомиллаштиришга эришилади.

Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари ва уларнинг мобиль иловалари сонини кўпайтириш эса солиқ хизмати ходимлари билан муносабатларда **инсон омилини 60 фоизга қисқартиради**. Бу нафақат **коррупциянинг олдини олади**, балки қоғоз шаклидаги хужжат ишларини ҳам кескин камайтиради.

Солиқ ҳисоботларини такомиллаштириш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг ички норматив хужжати қабул қилинди (**Давлат дастурининг 70-банди**).

Унда солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ва харажатларни ҳамда солиқ оборотларини декларация қилиш тизимини жорий этиш орқали солиқ тўловчиларга солиқларни ҳисоблаш ва ҳисобот топширишга кўмаклашиш учун соддалаштирилган **“Сизнинг электрон бухгалтерингиз” дастурий маҳсулоти** ва хизмат турини яратиш назарда тутилган.

Смарт кассалар. Жорий йил бошидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар жараёнига **онлайн назорат-касса** машиналари ва **виртуал кассалар** босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Фискал маълумотлар оператори – Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот марказига бугунги кунгача **22 600 та** смарт кассалардан **4 млн.дан** ортиқ чекларда **1 трлн. 229 млрд. сўм** пул маблағлари қайд қилингани тўғрисида маълумотлар келиб тушган.

Шунингдек, 2021 йил 1 январда **имтиёз сифатида** смарт кассалардан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари учун уни харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасини кейинги солиқ тўлови ҳисобидан камайтириш ҳуқуқи тақдим этилди.

Онлайн инкассо. 2020 йилнинг 16 июнь санасидан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг бажарилмаган солиқ мажбуриятларига нисбатан солиқ органлари томонидан инкассо топшириқномаси қўйишда янги тартиб жорий этилди.

Унда, инкассо топшириқномалари Давлат солиқ қўмитаси томонидан марказлашган ҳолда **инсон иштирокисиз** дастурий маҳсулот орқали **автоматик равишда** қўйилади ҳамда солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қўйилган инкассо топшириқномалари ҳам **инсон иштирокисиз автоматик равишда** чақиртириб олинади.

Шу билан бирга, ушбу тизимнинг афзалликлари шундан иборатки, **биринчидан**, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига автоматик равишда огоҳлантириш талабнома юборилади, **иккинчидан**, автоматик равишда шакллантирилган инкассо топшириқномаси солиқларни тўлаш муддатидан кейин автоматик равишда солиқ

тўловчининг банк ҳисобварағига юборилади, **учинчидан**, бажарилмаган солиқ мажбурияти мавжуд бўлган барча тадбиркорлик субъектларининг солиқ қарзини бюджетга ундиришда бир хил ёндашув таъминланади, **тўртинчидан**, солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағларини **асоссиз равишда ортиқча ечиб олиш ҳолатларига бутунлай чек қўйилади. ҚҚС ни қайтариш.** Товарларни экспорт қилишда қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаган корхоналар учун қайтарилган ҚҚС суммаси 611,6 млрд. сўмни ташкил этди.

2020 йил 1 июнь ҳолатида Давлат солиқ қўмитаси томонидан **804 та** ариза кўриб чиқилди. Шундан **194 таси** Тошкент шаҳри, **102 таси** Тошкент вилояти, **86 таси** Андижон, **81 таси** Наманган, **73 таси** Бухоро вилояти ва **34 таси** Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келади. Жами **661,6 млрд. сўмлик 336 та ариза** Молия вазирлигига юборилди, **468 та** ариза асосланмаганлиги ва хато-камчиликлари сабабли корхоналарга қайтарилди.

Солиқлар мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларни назарда тутувчи “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди:

- иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш;
- иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш;
- банк хизматларининг оммабоплигини ошириш;
- “яширин иқтисодиёт” субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;
- ташқи савдода “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш;
- “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

Шунингдек, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш лозим. Давлат шу йўл билан илгари солиққа жалб қилинмаган назоратсиз ва норасмий даромадларни солиққа тортиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://lex.uz> – Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатлари сайти
2. <https://soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
3. <https://strategy.uz> – Тараққиёт стратегияси маркази маълумотлари